

## WEB-КВЕСТ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА БЎЛАЖАК ХОРИЖИЙ ТИЛ ЎҚИТУВЧИЛАРИДА АХБОРОТЛАРГА ТАҲЛИЛИЙ ВА ТАНҚИДИЙ МУНОСАБАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК МАЗМУНИ

Жўраева Гулмирахон Зуфаржон қизи

Факультетлараро чет тиллари кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6674101>

**Аннотация.** Ушбу мақолада бўлажак хорижий тил ўқитувчиларининг ахборотларга таҳлилий ва танқидий муносабатини Web-квест технологияси асосида шакллантириш мазмунини ёритиш, бўлажак хорижий тил ўқитувчиларининг ахборотларга таҳлилий ва танқидий муносабатини Web-квест технологияси асосида шакллантиришнинг тизимли-функционал моделини такомиллаштириш муаммолари таҳлил қилинган.

**Калим сўзлар:** таълим, олий таълим, хорижий тил, Web-квест, ахборот, таҳлил, дезинформация, ахборотлар олами, бўлажак ўқитувчи.

## ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ СОДЕРЖАНИЕ ФОРМИРОВАНИЯ АНАЛИТИЧЕСКОГО И КРИТИЧЕСКОГО ОТНОШЕНИЯ К ИНФОРМАЦИИ У БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ ИНОСТРАННОГО ЯЗЫКА НА ОСНОВЕ ТЕХНОЛОГИИ ВЕБ-КВЕСТА

**Аннотация.** В данной статье анализируются проблемы освещения содержания аналитического и критического отношения будущих учителей иностранного языка к информации на основе технологии Веб-квеста, совершенствования структурно-функциональной модели аналитического и критического отношения будущих учителей иностранного языка к информации на основе технологии веб-квеста.

**Ключевые слова:** образование, Высшее образование, Иностранный язык, Веб-квест, информация, анализ, дезинформация, мир информации, будущий учитель.

## PEDAGOGICAL CONTENT OF FORMATION OF ANALYTICAL AND CRITICAL ATTITUDE TO INFORMATION IN FUTURE FOREIGN LANGUAGE TEACHERS ON THE BASIS OF WEB-QUEST TECHNOLOGY

**Abstract.** This article analyzes the problems of coverage of the content of future Foreign Language teachers' analytical and critical attitude to information on the basis of Web-quest technology, improvement of the structural and functional model of future Foreign Language teachers' analytical and critical attitude to information on the basis of Web-quest technology.

**Keywords:** Education, Higher Education, Foreign Language, Web-quest, information, analysis, dezinformation, world of information, future teacher.

### КИРИШ

Жаҳонда сохта хабарлар тарқатиш, ижтимоий онгни манипуляция қилиш, кичик муаммони катта, йирик муаммо сифатида тасвирлаш, ёшларни чалғитиш, миллий кадриятларни нотўғри талқин қилиш, ўзга маънавий кадриятларни сингдириш, халқнинг тарихий хотирасини бузиш ва ўзгартириш ва кибертерроризмга асосланган ахборот таъсирлар ва таҳдидлар кучайиб бормоқда. Шунингдек, сўнги йилларда бўлаётган глобал ижтимоий ўзгаришлар ахборотни қудратли қуролга айланганини кўрсатиб қўймоқда. Ғарб мамлакатларида бугун ахборот олиш имконияти эмас, балки унинг хаддан ортиқ

кўплиги муаммо туғдираётгани учун ҳам кўплаб мамлакатларда, хусусан, АҚШ, Франция, Германия ва Россия давлатларида «Хавфсиз интернет» дастури ишлаб чиқилганлигини кўриш мумкин. Кўп ҳолларда оммабоп ахборотлар уммонидан релевант ахборотни ажратиш олиш жуда мушкул кечмоқда. Манбаларнинг мувофиқлашмаганлиги, хилма-хиллиги ва ишончсизлиги ахборотни ташкил қилиш ва бошқаришни мураккаблаш-тирмоқда. Мана шундай шароитда ахборот истеъмолчиларида ахборотларга танқидий ва таҳлилий тафаккурни шакллантириш орқали турли ахборий таҳдидлардан ҳимояланишга доир педагогик-психологик тарбия ишларини такомиллаштириш вазифалари юзага келмоқда.

Ўзбекистоннинг миллий юксалиш стратегиясида ҳам чет тилларни ўқитиш тизимини такомиллаштириш, ёшларни хорижий тилларни ўрганишга йўналтириш билан бирга уларни ғоявий таъсирларга тушиб қолмаслик, тил ўрганиш жараёнида ахборий таҳдидларга учрамаслик ҳамда таълим жараёнида зарур ахборотдан фойдаланиш ҳамда интернет материалларини объектив таҳлил қилиш, синтез қилиш ва баҳолаш кўникмаларини оширишга доир устувор вазифалар белгиланган. Бу орқали хорижий тил йўналиши талабаларида ахборотларга танқидий ва таҳлилий муносабатни шакллантириш ва уларни турли ахборий таҳдидларга дуч келмаслигига доир педагогик-профилактик ишлар амалга оширилмоқда. Зеро, сўнги йилларда «терроризм, экстремизм, трансмиллий ва кибержиноятчилик, одам савдоси, наркотрафик каби таҳдидлар хавфи тобора ортиб бормоқда. Миллий маънавиятимизга мутлақо бегона бўлган зарарли ғоялар, тушунча ва қарашлар чегарани бузмасдан, билдирмасдан, таъбир жоиз бўлса, «чақирилмаган меҳмон» бўлиб хонадонимизга, жамиятимизга, энг ёмони, мурғак болаларимизнинг покиза қалби ва онгига кириб келаётганидан ҳам кўз юма олмаймиз»[1]. Шундай экан, ёшларимизда «интернетомания» касаллиги ривожланиб бораётган шароитда уларни ахборий таъсирлардан ҳимоя қилиш имкониятларини кенгайтириш, ахборотларга танқидий ва таҳлилий муносабатни шакллантириш энг долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

### **ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ**

Ахборотларга танқидий ва таҳлилий муносабатни шакллантириш, аналитик тафаккурни ўстириш ҳамда талаба-ёшларда ахборот истемоли маданиятини ривожлантиришга доир тадқиқотларни Ғарб мамлакатларида, МДХ мамлакатларида ва Ўзбекистонда ўрганилиши сифатида туркумлаш мақсадга мувофиқ. Бу орқали мазкур муаммо доирасида олиб борилган тадқиқотлар кўламини аниқ белгилаш ва улардан назарий-методологик асос сифатида фойдаланиш мумкин.

Ғарб мамлакатларида ахборотларга танқидий ва таҳлилий муносабатни, тафаккурни шакллантириш, аналитик фикрлаш тарзини ўстириш ҳамда интернет материаллари билан ишлаш кўникмалари Т.Стоуньер, А.Тойнби, А.Урсул, Т.Яглом, Л.Ботчова, Ж.Лаки, С.Давн, М.Анланд, Г.Ҳофтсайд, М.маклухан, Мин Кю Чои ва С.Марк каби олимлар томонидан ўрганилган.

МДХ мамлакатларида ўқувчи-ёшларда ва талабаларда ахборотлар билан ишлаш, инфорацион маданият ва ахборот истеъмоли маданияти ҳамда ахборот билан ишлаш компетентлигини ривожлантириш масалалари билано А.Доколин, Ю.Затуливерет, Е.Масуда, И.Мелюхин, В.Михайловский, Н.Моисеев, Н.Носов, Е.Поликарпов каби олимлар шуғулланган.

Мамлакатимизда ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг фалсафий, ҳукукий, ижтимоий-сиёсий масалалари М.Ёқубова, Н.Жўраев, И.Каримов, Ж.Мухаммадиев, А.Тулупов, А.Умаров, М.Усманова, Т.Эшбековлар томонидан ўрганилган. Психолог олимлардан Э.Ғозиев, С.Жалилова, В.Каримова, Н.Сафаев, Ғ.Шоумаров кабилар томонидан ахборотнинг талабалар ўқув-билиш фаолиятига таъсирининг психологик жиҳатлари, М.Абдуҷабборова, У.Ёзиева, А.Исманова, Б.Ходжаев, М.Қуронов, З.Қосимова каби олимлар томонидан ўқувчиларни зарарли ахборотлар таъсиридан ҳимоя қилиш ва ахборот истеъмоли маданиятини ривожлантиришнинг педагогик механизмлари ёритиб берилган. Шунингдек, талабаларда Интернет билан ишлаш маданиятини ривожлантириш бўйича тадқиқотлар А.А.Абдуқодиров, М.Арипов, А.Арипджанова, У.Ш.Бегимқулов, Н.А.Муслимов, Н.Тайлоқов, М.Файзиева, Ш.Шарипов, Т.Шоймардонов, С.Ғуломов кабилар томонидан амалга оширилган.

### ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Бўлғуси хорижий тил ўқитувчиларида ахборотларга таҳлилий ва танқидий муносабатини шакллантириш орқали уларда ўқувчиларга тил ўргатишда глобал ахборот тизимидан рационал фойдаланиш кўникмасини шакллантириш мумкин бўлади. Яъни «глобал ахборот тизимини тил ўрганишдаги фойдали жиҳатларинигина олиш кўникмасини талабаларда шакллантириш амалиётини ўргатиш муҳим аҳамиятга эга. Кўпгина тадқиқотларда шу нарса аниқланганки, доимий ахборот алоқаси бўлмаса, инсоннинг тўлақонли ривожланиши, ижтимоий гуруҳлар ва умуман жамиятнинг мўтадил фаолият олиб бориши мумкин эмас»[2]. Бу борада ахборот коммуникатив жараёнларида яширин тарзда мавжуд бўлган, шахс ва жамият тараққиётига ҳақиқий ва тобора ўсиб боровуви таҳдид соладиган жиҳати эътибордан четда қолиб келган. Кўпгина ривожланган давлатларда ахборотлашган жамиятнинг янги асосларини шакллантиришга муайян даражада эришилган бўлса-да, уни янада такомиллаштириш жараёни давом этмоқда[3]. Ахборотлашган жамият асосида инсоннинг ахборот олиш эркинлиги, коммуникация соҳасида – ахборотларни эркин айирбошлаш ва сўз эркинлиги ғояси ётади. Бугун биз ахборотлашув жараёнининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Чунки бутун дунё миқёсида кузатилаётган ва интеграция жараёнларида ўз ифодасини топаётган ахборотлашув жараёни инсон ҳаётининг барча соҳаларига даҳл қила бошлади. Шундай экан, ундан жамиятнинг ривожланишини айро тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис глобал ахборот маконидан унумли фойдаланиш, унинг имкониятларидан фойдаланиш ва у орқали чет тилларини ўрганиш амалиётини тўғри олиб бориш лозим.

Бугунги глобал ахборот уруши замонида ахборотни ахборотдан, янгиликни тарғиботдан, маълумотни билимдан фарқлаш жуда муҳим ҳисобланади. Ўтган асрнинг 40-йилларида «Рейтер» агентлигини бошқарган Кристофер Чанселлор «янгиликни тарғиботдан фарқлаш зарурлигини таъкидлаган эди. Тарғибот бошқа нарса, янгилик эса мутлақо бошқа нарса. Инглизча ёки америкача янгиликлар бўлмайди, у халқаро товардир»[4],- деб ёзган эди. Бугун мутлақо бошқача сифатий ҳолат юзага келди. Ҳар кун дунёда миллионлаб воқеалар содир бўлади. Аммо кишилар диққатига ахборот муайян ижтимоий-сиёсий кучлар манфаатидан келиб чиқиб эътибор қаратган масалаларгина ҳавола этилади. Бу уларнинг ҳодисаларни ёритишнинг устувор йўналишларини белгилаб беришини, муайян маълумотларни олиш, талқин қилиш,

баҳолаш ва тарқатиш орқали фуқароларда тегишли фикр ва хулосалар шаклланишига хизмат қилишини кўрсатади. Бу медианинг ижтимоий фикрни керак бўлган шаклга йўналтира олиши, у билан манипуляция қила олишидан далолат беради. Мазкур жараёнда сохта, тўқиб чиқарилган ахборотни ҳақиқат сифатида тақдим этиш, вокеликни бир ёқлама тақдим этиш ёки бузиб кўрсатиш, реалликни адекват қабул қилишга ёрдам берадиган муҳим элементларни яширишга алоҳида эътибор берилишини таъкидлаш зарур. Бўлажак хорижий тил ўқитувчилари ҳам ахборотни қабул қилувчи ва тарқатувчи биринчи бўғин сифатида масъулиятни англашлари, ўзларида ахборотларга таҳлилий ва танқидий муносабатини шакллантириш, ахборотнинг таъсири ва яширин маъносини англай билимшлари талаб этилади. Шу билан бирга Веб-квест технологиясининг педагогик имкониятларини ҳам билиш муҳим аҳамият касб этади.

Веб-квест нима? «Педагогикада веб-квест - бу муаммоли вазифа, Интернет ресурсларидан фойдаланган ҳолда лойиҳа. Веб-квест - бу ҳар қандай мавзу бўйича талабаларнинг лойиҳа фаолиятини ташкил қилиш учун скрипт.

Ушбу технологиядан фойдаланишнинг фойдаси нимада? Веб-квест қуйидагиларни тарғиб қилади: ўқитувчи талабаларга топширадиган маълумотларни Интернетда кидириш; ахборотни таҳлил қилиш, умумлаштириш ва баҳолаш босқичида талабаларнинг фикрлаш қобилиятини ривожлантириш; талабаларнинг компьютерда ишлаш кўникмаларини ривожлантириш ва уларнинг сўз бойлигини ошириш; талабаларни ўқитувчидан мустақил равишда билим олишга ундаш; талабаларнинг тадқиқот ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш; шахсий ўзини ўзи кадрлашни яхшилаш.

Ушбу технология қайси элементларга мос келади? Ушбу технологиянинг афзаллиги шундаки, у ҳар қандай мактаб фанига қўлланилади. Турли мактаб фанлари бўйича веб-квест мисолларини кўриб чиқинг: Ушбу технология дарсни индивидуал ёки гуруҳ ишларини ташкил қилиш учун ҳам, дарсдан ташқари ишлар учун ҳам мос келади»[5].

Бўлажак хорижий тил ўқитувчиларига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишдаги асосий йўналишлар қуйидагилардан иборат:

- бўлажак хорижий тил ўқитувчиларга зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишни таъминловчи ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий ва техникавий шарт-шароитлар яратиш, шунингдек ушбу соҳадаги илмий ва амалий тадқиқотларни ривожлантириш;

- бўлажак хорижий тил ўқитувчиларининг онгига ғайриқонуний ахборот-руҳий таъсир кўрсатилишининг, уларга ҳийла ишлатилишининг, ғайриижтимоий ҳаракатларга ундовчи ахборот маҳсулоти тарқатилишининг олдини олиш, шунингдек ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш;

- жисмоний ва юридик шахсларнинг талабаларга зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятини қўллаб-қувватлаш;

- бўлажак хорижий тил ўқитувчиларига зарар етказувчи ахборотни таснифлаш мезонлари, механизмлари ва услубларини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириш. Буларнинг барчаси талабаларни зарарли ахборотлардан ҳимоялаш бўйича давлат сиёсатини амалга оширишнинг асосий йўналишларини белгилайди ва бу соҳадаги таълим-тарбия муассасалари фаолиятининг таянч мезонларини ҳамда уларнинг мазмун-моҳиятини ифодалайди. Бу жиҳатдан, қонунда таълимни давлат томонидан

бошқариш органлари ва таълим муассасаларини талабалар соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан уларни ҳимоя қилиш соҳасида ваколатларининг белгилаб қўйилгани ҳам тадқиқотимиз учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга.

«Замонавий таълим олдида ўқув фаолиятини ташкил этишнинг янги турлари ва шакллари топиш вазифаси турибди. Таълим мустақил танқидий ва ижодий фикрлашни ривожлантириш нуқтаи назаридан ривожлантирувчи бўлиши керак. Шу мақсадда кўпгина ўқитувчилар узоқ вақтдан бери Интернет ресурсларидан фойдаланган ҳолда дизайн технологиясидан фойдаланишган. Аммо интернетдаги маълумотларнинг кўплиги ва унинг сифати нафақат лойиҳа устида ишлаш жараёнини соддалаштирмайди, балки уни мураккаблаштиради. Ушбу муаммонинг мумкин бўлган эчимларидан бири веб-квест технологиясидир. Веб-квест интерфаол таълим муҳитини ташкил қилишнинг намунасидир. Таълим веб-квести - бу талабалар муайян ўқув топшириғини бажариш учун ишлайдиган Интернет-сайт. Веб-квест таълим муҳитида ишлашнинг мақсади: асосий компетенцияларни шакллантирган ҳолда Интернетда ўқувчиларнинг малакали ишини ташкил этиш. Веб-квест - бу ўқитувчи ва талабаларнинг биргаликдаги фаолияти маҳсулидир. Веб-квест билан ишлаш натижаси мини-лойиҳаларни веб-саҳифалар ва веб-сайтлар (маҳаллий ёки Интернетда) кўринишида нашр этишдир»[6]. Веб-квест учун ресурслар сифатида - рўйхат ахборот ресурслари (электрон шаклда - CD, видео ва аудио, қоғоз кўринишида, Интернетдаги манбаларга ҳаволалар, мавзу бўйича веб-сайт манзиллари) келтириш мумкин.

### МУҲОКАМА

Глобаллашувнинг оқибатлари ҳақида фикр юритар экан, «баъзи мутахассислар замонавий алоқа воситалари ёшларни ўзига оҳанрабодек тортаётгани сабабли, «интернет авлоди», «Google болалари» ёки «Facebook фарзандлари» сингари иборалар пайдо бўлганига алоҳида урғу бермоқдалар. Уларнинг фикрича, бу ҳол ўғил-қизларимиз тарбияси бировларнинг қўлига ўтиб қолиши эҳтимолини оширади»[7]. Шу боис бўлажак хорижий тил ўқитувчиларида ахборот истеъмолчи маданиятини ривожлантириш орқали уларда маданий ўзгаришлар, ахборий тажовузлардан ҳимояланиш тизимини шакллантириш муҳим вазифалардан биридир.

Шу билан бирга, айрим Европа давлатларида «анъанавий ҳокимиятни тан олмаслик, ундан кўрқмаслик» ғояси остида бирлашаётган NET авлод, Интернет болалари ёки фуқаролари гуруҳи пайдо бўлди. Бу гуруҳ давлат ҳокимиятининг расмий хабарларига қарши чиқувчи сиёсий кибер халқаро уюшма сифатида ташкил топди. «Уларнинг биринчи сиёсий партияси 2006 йил Швецияда пайдо бўлди. 2009 йилда бу партия 7,1% овоз билан Европа парламентида 2та жойга эга бўлди. 2011 йилда ушбу партиянинг 33та давлатидаги фаолияти аниқланди. Хусусан, партиянинг рўйхатга олинмаган аъзолари АҚШ ва Россияда фаол ҳаракат олиб бормоқда. Партия аъзоларини 20-30 ёш оралиғидаги ўсмирлар ташкил этади»[8]. «Шунга кўра, Ғарб инсоншунослик фанлари тилида «инсон деградацияси», «шахснинг емирилиши», «одамнинг қиёфасизлашуви», «цивилизация шоми» сингари тушкун иборалар кўпаяётганини тушуниш мумкин»[9]. Бундай ғоявий қарама-қаршилиқларни медиа орқали жамиятга олиб кирувчилик вазифаси хорижий тил педагоглари ва ахборотни таржима орқали тарқатувчиларга юклатилади ва бунда улардан медиа ва ахборот маданиятига эга бўлиш ва бу орқали зарарли ахборотни тарқатмаслик

вазифалари юклатилади. Бунинг учун веб-квест технологияси имкониятларини яхши билиш талаб этилади. «Веб-квест устида ишлашда бир қатор компетенциялар ишлаб чиқилади: касбий муаммоларни ҳал қилиш учун ахборот технологияларидан фойдаланиш (шу жумладан керакли маълумотларни топиш, иш натижаларини компьютер тақдимотлари, веб-сайтлар, флеш видеолар, маълумотлар базалари кўринишида форматлаш); ўз-ўзини ўрганиш ва ўз-ўзини ташкил этиш; жамоавий иш (режалаштириш, функцияларни тақсимлаш, ўзаро ёрдам, ўзаро назорат); муаммоли вазиятни ҳал қилишнинг бир неча усуллари топиш, энг оқилона вариантни аниқлаш, танловингизни асослаш қобилияти; нотиклик маҳорати (лойиҳаларни муаллифларнинг нутқлари, саволлар»[10], муҳокамалар билан олдиндан ҳимоя қилиш ва ҳимоя қилиш мажбурийлигига асосланган.

Бўлғуси хорижий тил ўқитувчиларида ахборотларга таҳлилий ва танқидий муносабатини шакллантириш орқали таълим-тарбия жараёнида турли ахборий тажовузлардан, хусусан, зўравонликни, миллатчиликни, диний қарама-қаршиликни тарғиб қилувчи ахборотлардан асрашга ўргатиш, улардан тил ўрганишда фойдаланмаслик, қизиқиш орқали боғланиб қолишнинг салбий оқибатларини тушунтириш кўникмаларини шакллантириш мумкин бўлади. Маълумотларга кўра, «халқаро экспертлар дунё миқёсида ёшларнинг 38 %и зўравонлик руҳидаги сайтларни, 26%и миллатчилик ҳарактеридаги веб-саҳифаларни мунтазам кузатиб боришини аниқлаган. ЮНИСЕФ томонидан ўтказилган сўровлар интернетдан фойдаланадиган ёшларнинг 90 % ахлоқсиз сурат ва видеоларга дуч келиши, 60 % эса бу турдаги ахборотни мақсадли равишда излаганини кўрсатди. Ҳатто ўзимизнинг баъзи ёшларимиз учун ҳам интернет ва қўл телефонлари ахлоқсизлик манбаига айланаётгани ўта ташвишлидир. Негаки, бундай ғаразли таъсир домига тушиб қолган фарзандларимизда яқинлари ва қариндошларга нисбатан ҳурмат ва муҳаббат туйғулари сусайиб, эгоизмга мойиллик кучайиб бормоқда»[11]. Демак, хорижий тил ўқитувчисининг ахборотни фарқлай олиш кўникмаси, билим ва малакаси бундай тажовузлардан олдини олувчи муҳим омилга айланади.

Биз яшаётган XXI аср, нафақат глобаллашув ва ахборот соҳасининг жадал ривожланиш даври, балки у информацион ва интеллектуал рақобат замони ҳамдир. Бугунги глобаллашув шароитида барчамиз ахборот, инновацион жараёнлар ва таълим-тарбиянинг ўзаро алоқадорлиги янада тиғизлашаётган ва шу билан бирга, бу соҳадаги масалалар кўпайиб, уларга доир муаммолар кескинлашаётган даврда яшамокдамиз. Бу жараёнларга нисбатан тез мослашувчанлик, мавжуд вазиятни ўрганиш ва унга ҳолисона баҳо бериш, таҳлил қила олиш қобилияти етук мутахассисдан ҳам, ёш ўқувчи ва талабадан ҳам муайян малака ва кўникмани, бирор бир тарзда намоён бўладиган маҳоратни талаб қилмоқда. Бугунги кунда қайси ривожланган мамлакатнинг маърифий тарбия тизимини ва структурасини, айниқса таълим тизимини таҳлил қиладиган бўлсангиз, албатта, уларда талабаларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси, ҳаётнинг барча соҳалари каби ахборот майдонида ҳам рақобатбардош бўлиши, аниқ мақсадга йўналтирилган кадриятларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги кўзга ташланади. Бу ҳолат ҳар бир мамлакатнинг ўз келажagini ёшларда кўришини англатади.

### **ХУЛОСА**

Бугунги кунда бўлажак хорижий тил ўқитувчиларида халқаро терроризм, экстримизм, шовунизм, натцизм ва бошья ёвузликни тарғиб қилувчи фильмлар, «Ғарб

ахлоқсизлик фалсафаси, прозелитизм, диний экстремизм каби таҳдидлар таъсирига қарши ахборотларга таҳлилий ва танқидий муносабатини шакллантиришнинг назарий ва услубий жиҳатлари, шакл ва воситаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Бу жиҳатдан, бўлажак хорижий тил ўқитувчиларига жамият ҳаётида юз берадиган ўзгаришлар инсонлар ҳаёти ва турмуш тарзига ҳам ўзгаришлар киритиши, бундай жараёнларнинг стихияли тарзда амалга ошмаслиги, балки жамиятнинг маънавий-ахлоқий даражаси, умуммиллий ғояси воситасида шаклланиб боришини назарда тутиш лозим. Ўз навбатида бу, юртимизда умумий тинчлик ва барқарорликнинг таъминланиши жараёнида барпо этилаётган демократик жамият ривожини учун муҳим аҳамият касб этади»[12]. Аслида, ахборотларга таҳлилий ва танқидий муносабатини шакллантириш кенг маънода, муайян ҳудуд ёки таълим муассасасида шахс ёки гуруҳнинг жамиятдаги мавжуд бунёдкор ғояларни сақлашга, бузғунчи ғоялар тарқалишининг олдини олишга йўналтирилган, аҳоли, айниқса ёшларни турли ахборот хуружлардан ҳимоя қилиш манфаатларига қаратилган маърифий ва таълимий тадбирлар мажмуини кўзда тутати. Бу маънода бўлажак хорижий тил ўқитувчилари учун ахборотларга таҳлилий ва танқидий муносабатини шакллантиришнинг илмий-педагогик таҳлили ва замонавий жиҳатларини ўрганиш натижасида қуйидагиларни амалга ошириш лозимлиги ҳақида фикр юритиш жоиз, деб ҳисоблаймиз:

- бўлажак хорижий тил ўқитувчиларида миллий қадриятларга содиқлик руҳида тарбиялаш, террорчилик, ақидапарастлик ва давлатимиз интилишига зид бузғунчи ғояларнинг кириб келишига қарши муросасиз курашиш ҳиссини ҳосил қилишга интилиш;

-таълим муассасаларида бўлажак хорижий тил ўқитувчилари орасида замонавий билимларни тарғиб қилиш, уларни дунёвий билимга бўлган интилишларини шакллантириш, турли норасмий ахборот таълими олишини қатъиян олдини олиш чораларини кўриш;

-талабаларнинг дарсдан бўш вақтида ахборот билан таъминланганлик даражаси ва самарадорлигини ошириш ва бунда турли ижтимоий тармоқдан фойдаланиш, глобал ахборот мйдони бўлган интернетдан масъулият билан фойдаланишга йўналтириш.

#### *Фойдаланилган адабиётлар*

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Тошкент.: Ўзбекистон. 2021. –Б. 268.
2. Сифоров В.И., Суханов А.П. Информация, связь, человек.-М.: Знание, 1997. –С.64.
3. Masuda Y. The information society as postindustrial society.Tokyo, 1981. P. 75.
4. Кастельс Мануэль. Информационная эпоха: экономика, общества и культура. Пер. с англ. П.И.Шкаратона. –М., 2000, -С.342.
5. <https://05fi.ru/uz/shablon-dlya-sozdaniya-veb-kvesta-sozdanie-veb-kvestov-na>
6. <https://05fi.ru/uz/shablon-dlya-sozdaniya-veb-kvesta-sozdanie-veb-kvestov-na>
7. Бабажанов С. Ёшлар онгини ахборот хуружлари таъсиридан асраш. -[http://fikr.uz/ blog/ Urganch davlat Universiteti /eshlar-ongini-akhborot-khuruzhlari-tasiridan-asrash.html](http://fikr.uz/blog/Urganch_davlat_Universiteti_eshlar-ongini-akhborot-khuruzhlari-tasiridan-asrash.html) 5 август 2017.
8. Дергачев В. Киберинтернационал поколения NET. Электронный адрес ://dergachev.ru
9. Раҳмон Қўчқор. Дунё кураш майдонидир//. – Тафаккур-2016. 4-сон Б. 24.

10. <https://05fi.ru/uz/shablon-dlya-sozdaniya-veb-kvesta-sozdanie-veb-kvestov-na>
11. **Ахборот асрида таълим-тарбия - <http://kaz.docdat.com> 23 Фев 2016; Бабажанов С.Ёшлар онгини ахборот хуружлари таъсиридан асраш. -[http://fikir.uz/blog/Urganch davlat Universiteti/eshlar-ongini-akhborot-khuruzhlari-tasiridan-asrash.html](http://fikir.uz/blog/Urganch_davlat_Universiteti/eshlar-ongini-akhborot-khuruzhlari-tasiridan-asrash.html) 5 август 2017.**
12. Бутаев У. Ўзбекистонда демократик жамият ривожиди тинчлик ва барқарорликнинг ўрни. Фалсафа фан. докт. (PhD)дисс –Тошкент.: ЎзМУ, 2018.
13. Bakhromovich SI. The impact of managerial professional development on the effectiveness of Higher Education institution management. *Academicia: an international multidisciplinary research journal*. 2020;10(12):1014-20.
14. Siddikov, I. B. (2019). Философско-педагогические аспекты развития интеллектуальной культуры студентов. *Вестник Ошского государственного университета*, (3), 38-42.
15. Bakhromovich, S. I. Development trends and transformation processes in academic mobility in higher education in Uzbekistan and the world.
16. Bakhromovich, S. I. (2021). A comparative induction of the epistemological and theological views of medieval Islamic oriental scholars. *Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities*, 1(1.7 Philosophical sciences).
17. Bakhromovich, S. I. (2021). Views on the role of science in human and society life in islamic teaching. *International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences*, 1(3), 79-86.
18. Bakhromovich, S. I. (2020). Effects of Objective and Subjective Factors to Develop Intellectual Culture of Youth. *Canadian Social Science*, 16 (2), 55-59 p.
19. Bakhromovich, S. I. (2018). Social and philisophical performance of making youth's intellectual culture. *European science review*, (7-8).
20. Bakhromovich, S. I. (2020). Analysis Of Modern Approaches To Ensuring The Effectiveness Of Management In Higher Education Institutions. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 2(12), 364-369.
21. Bakhromovich, S. I. (2021). Philosophical comparative studies of the epistemological and theological views of medieval eastern scholars. *Turkish Journal of Physiotherapy and Rehabilitation*. Turkey, 2021. №32 (3), (Scopus) – P. 30338-30355
22. Bakhromovich, S. I. (2022).Dialectical and synergetic features of the development of theological and epistemological views in medieval eastern islam. *European Journal of Humanities and Educational Advancements (EJHEA)*, - Las Palmas, Spain, Volume 3, Issue 2 February, 2022. – P. 79-83